

## МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК-ДАВР ТАЛАБИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг

илмий ходими **Зулфия Комилова.**



### Анотация

Ҳар бир халқнинг ўзининг қадимий тарихи, маданияти, маънавияти, тарихий ёдгорликлари, аجدодларидан мерос бўлиб келган урф-одатлари бўлади. Шунингдек давлатимиз ва халқимиз томонидан убу ҳақиқатларни англаб етган ҳолда Республикамиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ моддий ва маданий бойликларимиз, миллий қадриятларимизни қайта тиклашга ўз эътиборларини қаратмоқдалар. Чунки инсон онги, дунёқараши, турмуш тарзини ижобий йўналтирмай туриб, мавжуд жамиятни шакиллантириб бўлмаслигини барча англаб етмоқда. Мақола муаллифи томонидан бу мавзуга илмий манбаалар асосида ёндошилиши зарур мавзулардан ҳисобланади.

Буюк аجدодларимиз юксак маънавият-инсон ва жамият такомилининг асоси деб ҳисоблаганлар. Аждодларимиз комил инсоннинг ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Унинг марказида ҳаромдан ҳазар, нопоклик, адолатсизликка нисбатан

мурасизлик;инсоф ва диёнат,инсонларга муносабатда самийилик, мулойимлик каби қадриятларнинг асоси турган.Маънавият доимо жамият ва инсон камолоти учун маёқ вазифасини бажариб келган.Шунингдек зиддига эса тўсиқ бўлиб хизмат этган.Маънавий жиҳатдан бой,маърифатли,имон- эътиқодли одамларгина ўзининг доимо ҳолол-пок яшаш тарзи,самарали меҳ-нати билан жамиятда ватанпарвар,унинг равнақиға ўз ҳиссасини қўшадиган бўлиб етишади.Жамиятнинг ҳам асл мақсади шундай инсонларни табиёлаб етиштиришни мақсад қилади.Дарҳақиқат жамият ва инсон маънавияти такомудлашиб,юксалиб борар экан,хар қандай салбий тўсиқларни енгишда барчанинг ўзига ишончи шакилланиб бораверади.Ҳар бир халқнинг ўзигагина хос бўлган тарихи,ўз тараққиёт йўлиға эға бўлгани унинг бетакрор миллий ўзлик,социал-ижтимоий ва эстетик- йўлиға эға бўлгани унинг миллий ўзлик,социал-ижтимоий ва эстетик-ахлоқий ривожланиш хусусиятларини белгилаб беради.Аждодлар яратган бу анъана-қадриятларни бойитган ҳолда келажак авлодларға етказиш хар бир халқнинг ижтимоий ёки маданий-маънавий тараққиётининг барча даврларда асосий ҳисобланган тамойилларимиздан бўлиб келган.Қадимги тарихға,бекиёс қадриятлар ва шарқона гўзал маданиятға эға халқимиз ҳаётида XX-асрнинг охириги ўн йилликларида иқтисод ва сиёсат оламида оламшумул воқеалар содир бўлганини кўришимиз мумкин.Жаҳон жамиятида Мустақил Ўзбекистон Рес-публикаси давлати пайдо бўлди.Дунёнинг барча етук давлатлари қаторида бўлган,кўплаб соҳаларни ислоҳ эға олган,такрорланмас қадриятлари,бағри-кенглик фазилатлари билан умумжаҳон жамиятида олдинги ўринлар сари интилаётган ўзбек халқи маънавий етуклик поғоналаридан кўтарилиб бормоқда.Халқнинг яхши нияти унинг тақдири учун кўп нарсаларни белгилаб беради.Халқнинг маънавий камоли ҳам,моддий истиқболи ҳам,шу элнинг истакларига боғлиқдир.Мутафаккирларимиз айтиб ўтишганидек, инсониятни ниятлар етаклайди.Ҳар бир халқ улкан дарахтға ўхшайди ва унинг томир отган илдизлари нақадар теран бўлса,қадди-басти ҳам шунға яраша улугвор бўлади.Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томири ҳисобланади ва бундай илдизлардан қониб сув ичган авлод ҳеч қачон кам бўлмаган.

Маънавий етуклик борасида давлатимиз рахбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобидаги қуйдаги фикрларни ўз ҳолича келтириб ўтиш кераклигини лозим топдик.”Биз учун маънавият-инсонлар ўртасидаги ўзоро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, маънавият-жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдеворидир. Янги маънавий макон нима? Менинг назаримда, у-биз орзу қилаётган янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир”. Манавий бағрикенгликни шакллантиришга имконлар эшигини очиб берувчи миллий маданиятнинг энг муҳими ҳисобланган бўлаги сифатида номоддий маданий мерос халқ, жамият, давлат маданий ҳаёти ва маънавий қадриятлари меъёрларини шакллантириб, миллий ўзлигимизни англаб етишни авлодларимиз ўртасидаги ижобий маънавий ришталарни тиклай олади. Шу билан бирга сизу-бизга маълум бўлган халқнинг орзу-умидлари, ахлоқий тамоиллари ва одоб-ахлоқ қонун-қоидаларини шакллантиришга хизмат қилади. Яна шуни такидлаш керакки, маънавият аниқ бирор бир фан ҳисобланмайди, унинг чегараси йўқ, у инсон ҳаётининг барча мавжуд жавҳарларини ўз бағрига қамраб олади. Унинг таркибидаги мавжуд бўлган турли тушунчалари мураккаблиги, салмоғи, жозибаси, мўъжизаси билан ажралиб туради. Агарда биз маънавият борасидаги таърифларга юзланадиган бўлсак, “Ўзбек тилининг изохли луғати” да ўзига хос таъриф берилганини биламиз. Ундаги барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар, шунингдек яна инсоннинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний каби тушунчаларни йиғиндисидир. Асрлар давомидаги кузатишларга таянадиган бўлсак, маънавият-инсоннинг ҳаёти давомида, ҳар бир дақиқасида ўзини номоён этиб туради ва инсон тафаккури махсули ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда бошқа соҳалар каби маънавият соҳасига далалимизнинг эътибори катта. Маънавият соҳасига берилаётган эътиборлар терран мазмун касб этади. Ёзувчими, сиёсатчими, санъат соҳаси вакилими, ёки бошқа соҳа эгасими бу тушунчани албатта ўзлаштирган бўлиши

даркор.Халқимиз ичида шундай улуғ инсонлар борки,улар маънавий баркамолликнинг пайдеворларини миллий анъаналарга таянган ҳолда мустахкамлаганлар.Тарихчи олимларимиз “Инсоният ўз кашфиётларининг тўқсон фоизини 19-асрдан сўнг эришган”деб эътироф этмоқдалар.Бу чиндан ҳам охириги икки асрда ҳаётимизда мисилсиз ўзгаришларни кўп содир бўлганини кўрсатади ва атрофга назар ташлайдиган бўлинса,тараққиёт пил-лапояларидан кўтарилиб бораётганимизни англатади.Бу буюк маънавияти тўқис аждодлари бўлган халқдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди,халқимиз азалдан жуда ҳам илми-фан уммонларидан ошган миллатдир.Ўтган даврлар-даги мустабиллик босқичлари халқнинг,жумладан ўзбек халқининг юрагидан Наврўзни, диний эътиқодни,маросимларини,азиз зотларининг номларини ўчирмоқ учун қанча хуружлар қилинган бўлмасин,барибир миллий қадриятлар одамларимизнинг руҳидан чиқиб келмади. Таниқли адабиётимиз етакчиларидан бўлган Абдулла Орипов мустақиллигимизни 31-йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманларнинг бирида шундай таъсирли сўзларни айтганди.”Янг Ўзбекистонда эл азиз,инсон азиз! – деган сўзлар эса мустақиллигимизнинг 31-йиллиги санаси арафасида янгради.Бу ҳам бўлса минг-минг йиллик тарихни,иқтидорни,ҳикматни ўзида сақлаб, асрлар опичиб ўтган”.Бир замонлар ернинг думалоқлигини кашф эт-ган,хаттоки ўзга миллатлар тилининг грамматикасини теран тартибга солган,ишончли ҳадисларни жамлаган,осмон тоқига нарвон қўйган,само сирларини юлдузлар тимсолида аниқлай олган маънавий етук аждодлари-мизнинг ҳаёт йўлларида,маънавий ўғитларида ибрат олсак бўлади. Демак маънавий баркамоллик сизу-биз яшаб турган жамиятнинг шакилланишида, дунёда машхур олимлари бўлган аждодларимизнинг давомчиси бўлиб етишишимизда,миллий урф-одатларни,хунармандчилигимизни,фан олами нодир битикларини келгуси авлодга бутунлигича етказиб беришимизда асо-сий йўлимизни белгиловчи омил эканини унутмаслигимиз даркордир.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. "Мозийдан садо"- илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал- 2016-2017 йил сонлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси-7-8-сонлари.
3. "Тафаккур"- ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал -2022 йил сони.
4. "Ўзбекистон тарихи"- илмий журнали 2019 йил сони.